

ISSN 2091 – 5616

# AGRO ILM

Махсус сон [70], 2020

2020 йил – ИLM, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ  
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ



**БУГУНГИ ИLM –  
УЧИНЧИ  
РЕНЕССАНС  
ПОЙДЕВОРИ**



# AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ  
VA SUV XO‘JALIGI»  
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:  
**Тоҳир  
ДОЛИЕВ**

МУАССИС:  
Ўзбекистон  
Республикаси Қишлоқ  
ва Сув хўжалиги  
вазирликлари

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0291-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Б.Холиқов,  
(Ҳайъат раиси)  
А.Абдуллаев  
А.Абдусатторов  
С.Азимов  
Ҳ.Атабаева  
Д.Ёрматова  
П.Ибрагимов  
Б.Исроилов  
Н.Каримов

И.Маҳмудов  
Ш.Намозов  
Р.Назаров  
Ф.Намозов  
Р.Низомов  
Ш.Нурматов  
М.Пардаев  
А.Равшанов  
И.Рахматов  
С.Раҳмонқулов

А.Рустамов  
А.Рўзимуродов  
Й.Сайимназаров  
Ж.Сатторов  
М.Сатторов  
Б.Сувонов  
К.Султонов  
Ф.Тешаев  
М.Тошболтаев  
А.Тўхтақўзиев

Т.Фармонов  
Н.Халилов  
А.Хожиёв  
Н.Хушматов  
А.Ҳамзаев  
Р.Ҳақимов  
А.Ҳошимов  
С.Шамшитов  
Б.Шарипов  
Б.Элмуродов  
И.Қўзиев

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI»  
ва «AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган  
илмий мақолаларга қўйиладиган  
**ТАЛАБЛАР**

### 1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;

— тушунарли ва раван баён этилиши;

— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (қўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, инглиз тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга **5 бетдан**, илмий хабарлар эса **3 бетдан** ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал ва 14 кеглда**, Times New Roman ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. Мақолани расмийлаштириш (формуларни ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул

қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос **УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чап бурчагига қўйилади**. Мақола охирида адабиётлар рўйхати, муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, **2 нусхада электрон варианты билан қабул қилинади**. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, **телефон рақамлари** тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани тақриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятга топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

**ТАХРИРИЯТ**

**2020 йил,**  
Махсус сон (70)-сон

Бир йилда олти  
марта чоп этилади.

Обуна  
индекси—859

Журнал 2007 йил  
августдан чиқа  
бошлаган.

© «AGRO ILM» журнали.

Манзилимиз:  
Тошкент 100004,  
Шайхонтоҳур тумани  
А.Навоий кўчаси, 44-уй.  
Тел/факс: 242-13-24.  
242-13-54.  
e-mail: uzqx\_jurnal@mail.ru  
telegram: qxjurnal\_uz;  
Сайт: www.qxjurnal.uz

## ПАХТАЧИЛИК

<b>А.ИСМАИЛОВА.</b> Ноанъанавий ўғитларнинг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири.....	3
<b>М.ЭШОНҚУЛОВ.</b> Ғўза парваришида гербицидларни қўллашнинг бегона ўтлар сони ва пахта ҳосилига таъсири.....	5
<b>Э.МАТЯҚУБОВА, М.ХАЛИКОВА, Х.МАРДАНОВ.</b> Ингичка толали ғўза намуналарининг тезпишарлик белгилари.....	6
<b>Б.МАМАРАХИМОВ, С.ТУРСОАТОВ, С.ЖЎРАЕВ.</b> Ғўзада элита уруғлар жамғаришда морфологик белгиларни гуруҳлашнинг самарадорлиги.....	7
<b>М.АБЕРКУЛОВ, И.РАСУЛОВ, М.ЖУМАШЕВ.</b> Ингичка толали ғўза ( <i>G.Barbadense L.</i> ) Генофондидан селекция жараёнида фойдаланиш.....	9
<b>Ф.ТЕШАЕВ, Ш.РАХМОНОВ.</b> “Зарафшон” ғўза навида агробиотик омилларнинг дефолиантлар самарадорлигига таъсири... 10	10
<b>Ш.САМАНОВ, Б.АМАНОВ, Х.МЎМИНОВ, Б.ГАППАРОВ.</b> Геномлараро дурагайлаш асосида яратилган тизмаларнинг айрим хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари.....	11
<b>О.КУЧКАРОВ, А.РАВШАНОВ, Б.АБДИШУКУРОВ, Д.БОХОДИРОВА.</b> Наследуемость выхода волокна у гибридов $F_2$ выращенных в условиях естественного засоления.....	13
<b>К.ЖУМАНИЯЗОВ, Р.НАЗИРОВ, Э.КУРБАНБАЕВ.</b> Влияние влажности хлопка-сырца на очистительный эффект сепаратора-очистителя с воздухопроницаемыми барабанами.....	15
<b>Ш.НАМАЗОВ, И.РАСУЛОВ, С.МАТЁҚУБОВ.</b> Интрогрессив селекция асосида яратилган янги ғўза тизмалари толасининг сифат кўрсаткичлари.....	16

## ҒАЛЛАЧИЛИК

<b>А.ШАДМАНКУЛОВ.</b> Донларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва сифатига талаблар.....	18
<b>Д.ЖЎРАЕВ.</b> Янги яратилаётган тизмаларнинг дон сифат кўрсаткичлари.....	20
<b>О.АБДУҒАНИЕВ, Т.МАХМУДОВ.</b> Худудларда бугдой ҳосилдорлик кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш.....	21
<b>О.НАҒЫМЕТОВ, Б.БЕКБАНОВ, О.ИСМАЙЛОВ, Ж.АЙТМУРАТОВА, Ш.МАТКАРИМОВА.</b> Оптимальные нормы высева семян яровой пшеницы в условиях Каракалпакстана.....	23
<b>Т.МАМАТҚУЛОВ, З.УСАРОВ, А.ХОЛДОРОВ.</b> Пивобоп арпа селекцияси: муаммолар ва эришилган истиқболли натижалар.....	24
<b>Ю.ХОЖАМҚУЛОВА.</b> Шоли ўсимлиги бўйининг ўсишига турли сув қалинлигининг таъсири.....	26
<b>У.АБЫЛЛАЕВ, Б.АБДУЛЛАЕВ.</b> Ультраскороспелый сорт риса «Гулистан».....	28
<b>М.САТТАРОВ, Х.ИДРИСОВ, Р.САЙТКАНОВА.</b> Мош ( <i>Phaseolus aureus ripet</i> ) нинг назорат ва нав танлов кўчатзоридида ўтказилган тадқиқот натижалари.....	28
<b>Н.ХАЛИЛОВ, А.ҲАМЗАЕВ, Б.КУЛДАШОВ.</b> Маҳаллий ва хорижий соя навларининг экиш схемалари ва меъёрларини мақбуллаштириш.....	30

<b>Н.ЗАРИБОВА, Ғ.САТИМОВ.</b> Ўртача шўрланган тупроқларда ясимик етиштириш усуллари.....	32
<b>А.МАМАТАЛИЕВ.</b> Мойли экинларни суғоришда инновацион технология.....	34
<b>Р.СЕЙТБАЕВ, Б.АЙТЖАНОВ, У.АЙТЖАНОВ.</b> Кунгабоқар нав ва дурагай ўсимликлари баргларидаги оғизчалари сонининг мослашувчанлиги.....	35

## МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

<b>С.АБДУРАМАНОВА, А.ЭРМАТОВ.</b> In vitro шароитида гилоснинг “Баҳор” навини микроклонал кўпайтиришда озуқа муҳити ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири.....	37
<b>З.АБДИКАЮМОВ, Д.ЮЛЧИЕВА.</b> Гилос кўчатлари ўсиш кучига клон пайвандтаг интеркаляр қўйилмаси узунлигининг таъсири.....	38
<b>Р.НОРМАХМАТОВ.</b> Ўрик данаги оксилнинг аминокислота таркиби ва ундан қўшимча хомашё сифатида фойдаланиш имкониятлари.....	40
<b>Н.МАРКАЕВ, Ш.ЮСУПОВ, Б.ХУШБОҚОВ, Ш.РАҲМОНОВ.</b> Узум кўчатларининг илдиз отиш жараёнини авжлантиришда электротехнологик усуллардан фойдаланиш.....	41
<b>Б.АБДУСАТТОРОВ.</b> Узумнинг “Тойфи” нави сақланувчанлигига турли хил ҳимоя қоғозлари ( <i>Grape guard sheets</i> )нинг таъсирини ўрганиш.....	42
<b>Т.НОРМАТОВ, Б.ХАЛИКОВ, Р.НИЗОМОВ.</b> Маҳаллий помидор навларининг қурғоқчиликка чидамлилигини баҳолаш... 45	45
<b>С.САЛИЕВ, З.БЎСТОНОВ.</b> Бақлажон нав намуналарини иссиқхонада етиштиришда мақбул экиш муддатлари.....	47
<b>А.АБДУРАХИМОВ.</b> Қумли тупроқлар шароитида картошка ва ерёнғоқ етиштириш агротехнологияси.....	48
<b>Ф.МАХМАДИЁРОВ.</b> Картошқачиликда интенсив технология... 50	50
<b>Ж.РАХМАТУЛЛАЕВ, Ж.ТЎРАЕВ.</b> Экиш муддатларини кечки картошканинги ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири... 51	51
<b>С.САНАЕВ, Ш.ШАМСИЕВА.</b> Қайта ишлашга мос сабзавот (ширин) маккажўхори навларини ўстириш технологияси.....	52
<b>Т.ОСТАНАҚУЛОВ, А.ИСМОЙЛОВ, Ч.НАБИЕВ.</b> Сабзавот маккажўхорининг “Шерзод” ва “Замон” навларини суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари.....	53
<b>Р.ТЎРАМАТОВ, Ф.РАСУЛОВ.</b> Қовоқ экинининг аҳамияти ва уни етиштириш технологиясини такомиллаштиришнинг долзарблиги.....	54
<b>Н.ХАЛИЛОВ, Ш.АЛИБОВ, М.ШЕРНАЗАРОВ.</b> Колумб ўти – имконияти катта, серҳосил озуқа экини.....	55
<b>Х.АТАБАЕВА, Д.МУСТАФАКУЛОВ.</b> Судан ўти кўкатиинг тўйимлигига экиш муддати ва ўриш фазаларининг таъсири... 57	57
<b>Э.БЕРДИЕВ, Б.ГАФУРДЖАНОВ.</b> Выращивание сеянцев гинкго двуллопастного ( <i>Ginkgo biloba L.</i> ) Для озеленения в Узбекистане.....	59

## ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

<b>Г.ТУРДИЕВА.</b> Дуккакли экин зараркунандаларида касаллик қўзғатувчи энтомопатоген микроорганизмлар.....	61
<b>Х.ЯХЯЕВ, Г.РАХМОНОВА.</b> Қовун пашшасининг Фарғона водийси шароитида ривожланиши мониторинги натижалари.....	63



<b>Ж.ХАМИДУЛЛАЕВ.</b> Қорақалпоғистонда уруғлик беданинг асосий зараркунандалари.....	65
<b>Б.ИБРАГИМОВ, Д.ЙИГИТАЛИЕВ.</b> Қатқалоқ зарари ва уни бартараф қилиш.....	67
<b>А.ХУРРОМОВ, Х.НУРАЛИЕВ.</b> Эман дарахтининг ун-шудринг касаллиги ва унга қарши кураш чоралари.....	68

#### ЧОРВАЧИЛИК

<b>Б.АЛЛАШОВ, С.ЖАМОЛОВ, С.БОТИРОВ.</b> Чорвачиликда озуқа базасини мустақкамлашда куз ойларида бажариладиган ишлар.....	70
<b>В.УТЕПБЕРГЕНОВА, Ж.КАЛИМБЕТОВ.</b> Қорақалпоғистон республикаси яйловзорлари ва уларни кенгайтириш йўллари.....	70
<b>А.ТУРАКУЛОВ, А.АБЗАЛОВ.</b> Тиканли артишокнинг ( <i>Cynara scolymus</i> L.) Биокимёвий таркибини ўрганиш натижалари.....	72
<b>А.САБИРОВ, Р.СЫДЫК-ХОДЖАЕВ.</b> Урожай семян коллекционных образцов люцерны в Ташкентской области.....	73
<b>Д.АЛИЖАНОВ, Я.ЖУМАТОВ.</b> Сопротивление стеблей кормовых растений отгибу.....	75
<b>Ж.ҚАЙПНАЗАРОВ, А.МАМБЕТНАЗАРОВ, А.ЮСУПОВА.</b> Қорақалпоғистон республикаси бўзатов тумани яйлов ва пичанзорларида ўтказилган ёзги геоботаник тадқиқотлар.....	76
<b>А.КАЛЫКНАЗАРОВА.</b> Республикамизда балиқчилик соҳасида Африка лаққа балиғини етиштириш.....	77
<b>О.ЭШДАВЛАТОВ, О.ТЎРАЕВ, Ф.ҚУЛДАШЕВА.</b> Асалари қишлови даврида уядаги ҳаво ҳарорати ва намлигининг ўзгариб туриши.....	78

#### ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

<b>С.АБДИЕВ.</b> Минтақада орол денгизи қуриб боришининг сабаблари ҳамда кутилаётган салбий оқибатларни юмшатиш чора-тадбирлари.....	80
<b>Н.БАКИРОВ, А.ХАМЗАЕВ, З.НОВИЦКИЙ, Г.АТАДЖАНОВА.</b> Создание пастбищ по кулискому методу на осушенном дне Аральского моря.....	82
<b>А.СЕЙТОВ.</b> Оптимальные методы управления водных ресурсов в крупных магистральных каналах ирригационных систем.....	84
<b>Б.ХАНИМҚУЛОВ.</b> Зарафшон дарёсида сувнинг сарфини ГТК ёрдамида ҳисоблаш.....	86
<b>Р.ИКРАМОВ, З.ДЖУМАЕВ.</b> Пахтакор тумани техноген-бузилган агроландшафтларининг адаптив мелиоратив режимларини бошқаришнинг умумий ва хусусий сув-туз баланслари методологиясини қўллаб асослаш.....	87
<b>А.ХОДЖИЕВ, Қ.ХУДОЙШУКУРОВ, М.ОТАХОНОВ, Д.АТАКУЛОВ.</b> Сув захиралари назорати ва ҳисоб-китоб тизимини мукамаллаштиришда замонавий информатсион технологияларнинг роли.....	89
<b>Қ.ЧУТБОЕВ, М.БЕГМАТОВ, А.МУСТАФОҚУЛОВ.</b> Изоляция ҳолатини баҳолашда носинусоидал кучланишлардан фойдаланиш.....	91
<b>М.НАЗАРОВ, М.ТЎЛАНОВА, Л.ЖАЛИЛОВ.</b> Маъдан ўғитлар ва озикланиш меъёрларининг ўзадаги фотосинтез жадаллиги ва маҳсулдорлигига таъсири.....	92

<b>Х.АБДУРАХМОНОВ, Ё.ИСЛОМОВ, Ш.РАХМОНОВ.</b> Анғизга такрорий экин экиш усулларининг тупроқ зичланиши ва бегонна ўтларга таъсири.....	94
<b>А.НУРБЕКОВ, Ш.АЗИЗОВ.</b> Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида тупроққа ишлов беришнинг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири.....	96
<b>Т.ТУРАЕВ, О.ЖАББОРОВ, А.ПИРНАЗАРОВ, Э.МАВЛОНОВ.</b> Навоий вилояти суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини баҳолаш.....	97
<b>Т.ИСМАИЛОВ.</b> Қорақалпоғистон республикаси бўйича суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси.....	99

#### МЕХАНИЗАЦИЯ


<b>М.МАМАРАСУЛОВА.</b> Шудгорланган ерларга изма-из ишлов берадиган комбинациялашган машина.....	100
<b>Р.АБДИРАХМОНОВ, М.МАМАДАЛИЕВ, Х.САМСАКОВА.</b> Комбинированный агрегат обеспечивающий минимальную обработку почвы.....	101
<b>Ш.РАЗЗАКОВ, Ж.ЙЎЛДОШОВ.</b> Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган тракторларнинг куч узатиш қурилмаларидаги ишчи мойни ҳақиқий техник ресурсига қараб ташҳис қўйишнинг инновация услубияти.....	102
<b>С.АХМЕДОВ С.ВАФОЕВ, К.НУРИДДИНОВА, О.ВАФОЕВА.</b> Канал ва коллекторлардаги қамишларни ўриб олиш технологияси.....	103
<b>С.АМИНОВ, М.КАИПОВ, Б.ЖОЛДАСБАЕВ, С.ПАЛУАНОВ.</b> Особенности изменения агрофизических показателей почвы в зависимости от комбинированного посевного агрегата.....	105
<b>Б.НАСИРОВ.</b> О гидравлическом сопротивлении машинных каналов трапециевидальной формы сечения.....	106

#### ИҚТИСОДИЁТ

<b>Ё.ХОЛИЁРОВ, З.ШАРИПОВ, Ш.ЙЎЛДАШЕВ, М.ОЛМОСОВ.</b> Республикамиз қишлоқ хўжалигида механизация хизматлари бозори ҳолати: таҳлил ва таклифлар.....	107
<b>А.ТАШПУЛАТОВ.</b> Меҳнат бозорида ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш.....	109
<b>Б.БАЛЛАСОВ.</b> Мамлакатимизда озик-овқат саноатини ривожлантириш истиқболлари.....	110
<b>Н.НАРКАБУЛОВА.</b> Листерия ва листериоз: озик-овқат, сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун комплекс ёндашув.....	111
<b>М.АБДУЛЛАЕВ.</b> Рекомендации по решению экологических проблем инновациями в аграрном секторе регионов в условиях цифровой экономики.....	112
<b>Р.ТУРАЕВ, Х.ТАШБАЕВА.</b> Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталининг ўрни.....	114
<b>Д.КАМИЛОВ.</b> Инвестицион фаолиятни юксалтириш босқичлари.....	115
<b>А.АМИРКУЛОВ.</b> Корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг асосий вазифавий йўналишларини танлаш жиҳатлари.....	116
<b>Г.ШАДИЕВА, Н.ШАНАЗАРОВА.</b> Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ошириш омиллари.....	118
<b>Н.САИДХЎЖАЕВА, А.ШЕРМАМАТОВ.</b> Хавфсизлик, маданият ва ахлоқ.....	119

Для обоснования зависимости (4) рассмотрим сначала формулу гидравлического сопротивления (круглых и прямоугольных труб бесконечной ширины), а затем перейдем к рассмотрению машинных каналов сложной формы сечения (например, трапециевидной).

При рассмотрении более сложных форм поперечного сечения (например, трапециевидных каналов) возникают осложнения, вызванные наличием вторичных течений в углах канала. Кроме того, при безнапорном движении жидкости свободная поверхность как бы служит дополнительным источником трения.



**Рис.2.** Гидравлические сопротивления в машинных каналах правильной формы сечения при турбулентном движении жидкости:  $\psi_1$  и  $\psi_2$  - внутренние углы сечения канала;  $B_0$  - ширина основания;  $h$  - глубина потока.

Рассматривая по закону Кармана выражение для средней скорости в машинном канале трапециевидальной формы (для случаев, когда биссектрисы внутренних углов данной формы пересекаются над живым сечением потока),

увидим, что пренебрежение поправочными членами, обусловленными изменением касательных напряжений на стенке (на твердой границе), и кажущимися касательными напряжениями на свободной поверхности может привести к ошибке (рис.2).

**Вывод.** При напорном течении в круглой трубе ( $R = D/4$ ) и бесконечно широких прямоугольных каналах (при  $b \gg h$ ;  $R = h$ ), а также в машинных каналах, где обеспечивается равномерное распределение касательных напряжений ( $\tau_0$ ) по всему смоченному периметру ( $\tau_0 \approx \tau_{\text{ср}}$ ), геометрическая интерпретация гидравлического радиуса оправдывается, в остальных случаях (где  $\tau_0 \neq \tau_{\text{ср}}$ ) - не имеет смысла.

**Батий-хан НАСИРОВ,**  
соискатель, ТИИИМСХ.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Карман Т. Механическое подобие и турбулентность // Проблемы турбулентности. — М., 1936. -С. 271-286.
2. Прандтль Л. Гидроаэромеханика. — М.: Иностранная литература, 1951. -575 с.
3. Уралов Б.Р., Троицкий В.П. Влияние формы безнапорного цилиндрического канала и шероховатости его смоченной поверхности на потери напора // Охрана окружающей среды от загрязнения промышленными выбросами ЦБП.Л., 1981. -С. 32-37.

УДК: 532.543

ИҚТИСОДИЁТ

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХАНИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ҲОЛАТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

*The article discusses the techniques used in agriculture, their effective use, providing the agricultural sector with modern, resource-efficient, labor-intensive techniques.*

Кейинги йилларда юртимизда аграр соҳани техника ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да 10 йилдан зиёд хизмат қилган қишлоқ хўжалиги техникалари 65 фоизни, бутунлай эскирганлари 17 фоизни ташкил этади. Фермер ва деҳқон хўжалиқларини сифатли, замонавий, ишончли, агротехник ва эксплуатацион кўрсаткичлари юқори бўлган техникалар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникалари пухталигининг ортиши ва механизаторларга қулай шароитлар яратилиши ҳамда ахборот коммуникация технологияларини қўлланилиши уларнинг харид нархи ортишига олиб келди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларга механизация хизмати кўрсатувчи меҳнат воситалари, яъни қишлоқ хўжалиги техникаларининг тури ва уларнинг маҳаллий шароитга мослиги, мавжуд сони ва эҳтиёжи, фойдаланиш муддати, кўрсатилаётган техник сервис ва механизация хизмати, эҳтиёт қисмларни маҳаллий машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқариш ҳолати, техника паркинни янгилаш ва тўлдириш ҳамда техник сервис соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишхотлар таҳлили қилинди ва бир қатор таклифлар тайёрланди.

Мухокама ўрнида ушбу таҳлил ва таклифлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Хусусан:

1. Трактор қувватларининг маҳаллий шароитга мослиги.

Республика қишлоқ хўжалигида кичик қувватли (20-60 от кучи), ўрта қувватли (60-160 от кучи) ва юқори қувватли (160 дан ортиқ от кучи) тракторлар ишлатилади.

1.1. Механизация хизматлари бозорида катта улушга эга бўлган «Ўзагросервис» АЖ тизимидаги мавжуд техникалар, асосан, пахта ва ғалла майдонларига мўлжалланган юқори қувватли комбайн ва тракторлардан иборат.

1.2. Қайд этиш керакки, бундай юқори қувватли тракторларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 фоиздан ортиқ қисмини етиштираётган деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари даласида қўллаш иқтисодий самарасиз.

Таҳлилларга кўра деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг кичик ўлчамли даласида ишлатиладиган тракторларнинг қуввати 20-60 от кучи бўлиши мақсадга мувофиқ.

2. Тракторлар сони.

2.1. Тракторлар эҳтиёжини аниқлаш бўйича қўлланилиб келинган услуб, одатда, битта трактор билан қанча майдонни куз ойларида ер ҳайдаш заруриятдан келиб чиққан. Ушбу услуб ёзги мавсумга тўғри келмайди. Ёзги мавсумда ғалла ўрмидан кейин ер ҳайдаш ёки ерга бошқа турдаги ишлов бериш ўз вақтида бажарилмаса нам тез йўқолиши ҳисобига

ер қотиб қолади ва шудгор сифатсиз бўлади, кесак кўчади. Бундай майдонларга экин экиш учун катта миқдорда ёнилғи ёки ерни юмшатиш учун сув талаб этилади. Сув етишмайдиган жойларда шудгор олдида суғориш муаммоси юзага келиб, ёзги такрорий экин экишнинг иложи бўлмай қолади. Демак, тракторлар ҳисобини кузги шудгор иш ҳажмидан эмас ёз ойлари иш шароитидан келиб чиқиб, тупроққа ишлов бериш агротехник муддатини бир ҳафта деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу услубда ҳисоб қилинса, мавжуд тракторлар сони эҳтиёждан тўрт-беш баробар кам эканлиги келиб чиқади. Ишлатилаётган тракторлар сонининг ортиши натижасида, тупроққа ишлов бериш муддатлари қисқариши ҳисобига ортиқча сув ва ёнилғи сарфламасдан барча ерларга экин экиб, ҳосил олиш имкони яратилади. Шудгордан тежалган сувни экинни суғоришга сарфлаш ҳисобига ҳосилдорлик одатдаги ҳолга нисбатан кафолатли бўлади, ҳосил ҳажми ҳам ортади.

2.2. Хўжаликлар майдонларида ишлайдиган тракторларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоби бугунги кунга қадар юритилмаган. Фермер ва агроклас-терлар учун мўлжалланган тракторлардан ушбу далаларда фойдаланиш нотўғри, чунки, ер майдонларинг ўлчами кичик бўлганлиги учун юқори қувватли тракторлардан фойдаланиш, бу ерда иқтисодий самара бермайди.

Деҳқон хўжаликларининг сони кўп бўлмаса-да, томорқа ер эгаларининг сони 5 миллиондан ортиқ эканлигини ҳисобга олсак, бир ҳафтада қуввати 60 от кучи бўлган битта трактор ўртача 9 га ерга ишлов берса, республикага 90 минг та кичик қувватли тракторга эҳтиёж борлиги ойдинлашади. Пахтачиликдаги 40 мингдан ортиқ тракторлар бугун-ги кунда деҳқон ва томорқа ер эгалари майдонларида ҳам ишлатилмоқда. Агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажариш учун қўшимча 50 минг дона кичик қувватли (20-60 от кучи) тракторларга зарурият бор. Томорқа эгаларининг эҳтиёжини мотокультиваторларни кўпайтириш ҳисобига қондириш мумкин. Бироқ, мотокультиватор ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

### 3. Механизация хизмати.

3.1. Республиканинг асосий экин турлари пахта ва ғаллани етиштириш учун 1995-2010 йилларда механизация хизматлари кўрсатиш билан фақат «Ўзагротехсервис» (собиқ «Ўзагротехсервис») тизими шуғулланиб келган. Харид қилинган трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига давлат томонидан имтиёзли кредитлар берилган, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш каби энгилликлар бериб келинган.

Шундай бўлишига қарамасдан бу тизим, ҳозирга қадар давлат кўмаги ва банкларнинг имтиёзли кредитларига таяниб қолган, катта кредитор қарздорлиги мавжуд, тўлиқ ўз айланма маблағларига эга эмас.

Энг асосийси, шартноманинг харажатлар қисмида реновация коэффицентини (техникани янгилаш ёки қайта тиклаш учун зарур бўлган амортизация ажратмаси) белгиланган меъёрдан кам ҳисоблаб келинган. Натижада, эскирган техникани янгилаш фондини шакллантиришнинг имконияти бўлмаган ва банкнинг имтиёзли кредитига эҳтиёжмандлик ҳолатидан чиқиб кета олмаган.

3.2. Деҳқон ва томорқа ер эгалари майдонларида маҳсулот етиштирувчиларга механизация хизматлари кўрсатиш тизимли равишда шаклланмаган. Таҳлилларга қараганда, тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари эвазига харид қилган трактор ва техника воситалари умумий эҳтиёжнинг 5 фоизини ташкил қилади. Махсус техникалар етишмаслиги сабабли, далага органик ўғит бериш, бегона ўтларга қарши курашиш, мелиорация ва тупроқ унумдор-лигини тиклашга қаратилган баъзи агротадбирлар бажарилмасдан қолмоқда.

### 4. Техник сервис хизмати.

Трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарига кафолат муддати даврида сотувчи субъектлар томонидан техник сервис хизмати кўрсатиш тартиби ўз ечимини топган. Аммо, кафолат муддатидан кейинги даврда техник сервис хизмати кўрсатиш тизимли равишда шаклланмаган.

### 5. Маҳаллий машинасозлик корхоналари.

Маҳаллий машинасозлик корхоналарига етакчи хориж компаниялардан йирик узелларни олиб келиб, шу узеллардан трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарини йиғиш технологиясининг оммавий қўлланилиши сабаб, ўтган 30 йил ичида аграр соҳа учун зарур бўлган ўз тракторимиз ёки қишлоқ хўжалиги машинамизни тўлиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйилмаган.

### 6. Ислохотлар натижалари.

Соҳани давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш 2019 йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчилар орқали, яъни уларга техника сотиб олишларида банк кредитлари ва лизинг хизматлари маржасининг 10 фоизи ҳамда локализация (20 фоиздан ортиқ қисмлари) қилинган техникалар учун 15 фоизлик субсидиялар бериш тартиби йўлга қўйилди.

Натижада, бугунги кунда, қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда техник сервис масалаларида машинасозлик заводлари ва металл ишлов берувчи саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари жонланиб бошлади.

### ТАКЛИФЛАР:

Стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш учун:

1. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, соҳани механизациялаш, техник сервис ва агросервис хизматлари бозорида фаолият юритаётган давлат улуши юқори бўлган корхоналарни хусусийлаштиришда давлат-хусусий шерикчилик тамойилини кенг қўллаш;

2. Имтиёзли кредит ҳисобига ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш амалиётидан воз кечиш;

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

- механизация хизмати ва техник хизмат кўрсатиш бозорида техника эгалари иштирокида яқка тартибда тадбиркор (хусусий корхона), масъулияти чекланган жамият ёки кооператив ёхуд ширкат тарзида юридик шахс ташкил этиш амалиётини рағбатлантириш;

- деҳқон ёки кичик ер эгалари кооперативи сотиб олаётган техникаларга алоҳида имтиёзли субсидиялар ажратишни йўлга қўйиш;

- ишлатилган техникаларни сотиб, ўрнига янгисини олган субъектларни рағбатлантириш, бунинг учун:

биринчидан - таъмирланган техникалар иккиламчи бозорини йўлга қўйиш, дастлаб ушбу бизнес манфаатли эканлигига тадбиркорларни ишонтириш ва кўникмалар шакллантириш;

иккинчидан – ишлатилган техникасини иккиламчи бозорда сотган субъектларга локализация шартларини сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий машинасозлик корхоналаридан харид қилаётган техникалар нархига берилаётган субсидияни 15% дан 25% гача ошириш ва фоизсиз узоқ муддатли кредит бериш, шунингдек, техникаларнинг нархидан келиб чиқиб, уларнинг кредит муддатларини ҳам дифференциация қилиш;

учинчидан – ишдан чиққан деталларнинг ресурсини тиклаш ва иккиламчи техника бозорига киритиш мақсадида «Ўзагротехсервис» АЖнинг амалдаги бино-иншоотларидан фойдаланган ҳолда деталларни тиклаш минтақавий устахоналар фаолиятини йўлга қўйиш;

тўртинчидан– қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштирувчи сифатли оригинал эҳтиёт қисмлар ва уларнинг нархлари ҳамда сотилиш манзили ва кафолат муддатлари ҳақида маълумотлар электрон ахборот-алмашиш тизимини яратиш;

4. Агросаноат мажмуи субъектлари ўртасидаги механизация хизматлари, техникалар диагностикаси, техник қаров, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда техник ёки технологик таъминот хизматлари бўйича ўзаро муносабатларини барқарор ривожлантиришга қўмаклашиш учун стандартлаштирил-

ган бўнак шартномаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

**Ёрмамат ХОЛИЁРОВ**, т.ф.н., доцент,  
“Машина ва механизмлар технологиялари” ИТМ,  
**Зайниддин ШАРИПОВ**, т.ф.н., доцент,  
**Шукурулло ЙЎЛДАШЕВ**, т.ф.д., профессор,  
(ТИҚХММИ),  
**Мингнор ОЛМОСОВ**,  
ҚХМИТИ катта илмий ходими.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев Ш.У. “Қишлоқ хўжалиги техникаларидан қай даражада фойдаланаяпмиз?”. “Халқ сўзи” газетаси. № 36, 19 февраль 2020 йил.

УЎТ: 338.46:621.31 (Т-50)

## МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШЧИ КУЧИНING РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

*This article examines the problems of the effective functioning of the labor market in an innovative economy. Given the imbalance in the labor market, it is proposed to diversify the supply of labor by increasing the level of skilled labor in the structure of wage labor.*

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлиги ва юксалиши кўп жиҳатдан инсон омили, яъни юқори малакали кадрлар масаласини самарали ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тайёрланадиган малакали мутахассислар кейинчалик мамлакатда тадбиркорлик ва бизнесни барқарор суръатлар билан ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Глобаллашув ва интеграциялашув кучайиб, трансмиллий компаниялар учун сунъий тўсиқ ва чегаралар ўз таъсир кучига эга бўлмаган ҳозирги шароитда интеллектуал юқори салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шарқий Европа мамлакатлари учун хос бўлган

**замонавий бизнес → таълим → иқтисодий ўсиш**

моделли ўрнига Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида кенг қўлланилган

**таълим → инновацион иқтисодиёт → иқтисодий ўсиш**

моделли шаклда ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жанубий-Шарқий Осиё ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги инновацион иқтисодиёт шароитида фаолият юрита оладиган малакали ишчи кучи, яъни креатив ва когнитив кадрларнинг салоҳиятига узвий боғлиқ бўлади.

Меҳнат бозорида малакали ишчи кучининг таклифни оширишда асосий мезонлардан бири аҳолининг саводхонлик даражаси ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси 99,3 фоизни ташкил этгани ҳолда ўрта ва ўрта-махсус таълим муассасалари битирувчиларини олий мактабларга қамаб олиш даражаси кейинги йилларда ўртача 10 фоизни ташкил этган. Натижада, меҳнат бозорида юқори касбий маҳоратга эга бўлган, олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг тўлиқ қондирилмаслик ҳолатлари намойён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни

такмиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек: “...Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатилмоқда”.

Олий мактаб ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш марказларида мазкур масалаларни муддатида ва сифатли ҳал этилиши мамлакатда бизнес ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга, меҳнат ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш орқали иқтисодиёт ўсишга эришиш, пировард натижада эса аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш хизмат қилади.

Бозор шароитида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган янги йўналишлардаги кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим. Айниқса, туб ислохотлар амалга оширилаётган корпорациялар ва маъсулияти чекланган жамиятлар учун янги типдаги бошқарувчи кадрлар, шиддат билан ривожланаётган ва кенг тармоққа эга бўлган хизмат кўрсатиш тармоқлари тизими учун малакали ва кўп қиррали билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Янгиланган ўқув ва ишчи режаларда ушбу соҳадаги янгиликларни қамаб олган ўқув курслари, фанлар ва машғулотларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ. Уларда янги, инновацион, илмталаб маҳсулот ва хизматларни етказиб беришга ихтисослашган фирма ва корхоналарни ташкил этиш, фаолиятини бошқариш ва кенгайтириш билан боғлиқ илмий-услубий масалалар ўрганилиши ва таҳлил этилиши, ишлаб чиқаришга жорий этишининг усул ва услублари тадқиқ этилиши лозим. Жумладан, янги хизматлар ҳисобланган аутсорсинг, бутстрэппинг, рекрутинг, сервис, консалтинг, риэлторлик, суғурталаш, лизинг, факторинг, баҳолаш, аудит каби бошқа янги хизмат турларини шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари чуқур ўрганилиши лозим.